



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 13 июль, № 143 (7101)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатда нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Бир қатор республика ва барча вилоят тиббиёт муассасаларида беморлар умрининг анча узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлайдиган гемодиализ бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд аҳволнинг тахлили гемодиализ ёрдамига муҳтож бўлган беморларга тўлиқ тиббий хизмат кўрсатишга тўққинлик қилаётган бир қанча ечимини қутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, тиббиёт муассасаларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг ярмидан ортиги мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, кўпгина гемодиализ машиналарининг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган;

иккинчидан, аҳолига юқори малакали нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш, шунингдек, буйракларни трансплантация қилиш бўйича минтақавий бўлинмаларга эга бўлган ихтисослаштирилган тиббиёт марказини ташкил этишга эҳтиёж мавжуд;

учинчидан, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашнинг ягона стандартлари ва протоколлари жорий этилмаган, шунингдек, нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими, беморларни

танлаш ва гемодиализга юбориш тартиб-таомиллари йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, нефролог мутахассислар, гемодиализ шифокорлар ва гемодиализ бўлинмаларининг бошқа тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича ягона дастур мавжуд эмаслиги сабабли шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича мутахассислар кескин етишмаяпти;

бешинчидан, нефрологик касалликларни даволашнинг замонавий тиббий инфратузилмасини яратиш ва ушбу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланилмаяпти;

олтинчидан, гемодиализ тиббиёт ускуналари ва сарфлаш материалларини олиб кириш ва сотиб олишни рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаш ва рухсатнома олишнинг мураккаб ва шаффоф бўлмаган тартиб-таомиллари амал қилмоқда, бу бозорга киришни ва уларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни чеklangмоқда.

Мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ва камчиликларга барҳам бериш, шунингдек, замонавий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш ва нефрологик касалликлардан азоб чекаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш бўйича фаолияти қонқарсиз, деб топилиш.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг

ҳудудий бўлинмаларининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатишни янада ошириш соҳасидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббиёт таълим муассасалари клиникалари, республика кўп тармоқли шифохоналарининг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳоли тиббий қўриқдан ўтказилишини ташкил этиш; профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий ҳамда самарали усуллари жорий этиш йўли билан соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят ва туман даражаларида аҳолига ихтисослаштирилган, юқори технологияли нефрологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш;

буйрак патологиясининг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, мавжуд беморларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ишларни ташкил этувчи интеграциялаштирилган тизимни соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида яратиш, шунингдек, беморларга ташхис қўйиш, танлаш ва гемодиализга юбориш жараёнини халқаро амалиётга мувофиқ қайта қўриб чиқиш ва оптималлаштириш йўли билан нефрологик касалликларга чалиниш ҳамда бу касалликлар сабабли вафот этишни камайтириш;

даволашнинг юқори технологияли усуллари ва замонавий стандартларидан кенг фойдаланган ҳолда гемодиализ ёрдамга муҳтож беморлар умрининг узайишини ва

уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлаш;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида катта ёшдагилар ва болаларда буйрак касалликларига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг ягона замонавий стандартлари ва протоколларини жорий этиш, жумладан, гемодиализ сеанслари учун мажбурий клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

нефрологик ва гемодиализ муассасаларини замонавий юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш, уларни эҳтиёт қисмлар, гемодиализ учун сарфлаш материаллари билан узлуksиз таъминлаш ва тегишли қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш йўли билан нефрология ва гемодиализ муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш; аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириш.

3. Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб қўрилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).



ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИГА АМАЛИЙ ИШЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Юртимизда бошқа соҳалар қатори

экологик барқарорликни таъминлаш,

аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши

учун зарур шарт-шароитлар яратиш, табиий

ресурслардан оқилона ва самарали

фойдаланиш, юзга келаётган экологик

муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг

салбий оқибатларини бартараф этиш

масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиб

келинмоқда.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Президентимизнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувдаги маърузасида ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда таҳлил этилиб, ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Экологик ҳаракат ҳамда унинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик гуруҳининг истиқболдаги вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилди.

Хўш, ўтган даврда Экоҳаракат ҳамда унинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи бундан қандай хулосалар чиқарди, бошқача айтганда, фаолиятимизда қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?

Авалло, соҳага оид янги қонун лойиҳалари яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, назорат-таҳлил фаолиятини бугунги талаб даражасида қучайтириш, узлуksиз экологик таълим концепциясини ишлаб чиқиш, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини ривожлантириш, аҳоли экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи объектиларни ва сув тозалаш иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилиниб, ҳаётга ижтисод этилмоқда.

Ўтган даврда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси асосида битта янги қонун ҳамда 8 та қонунни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Масалан, янги таҳрирдаги “Урмон тўғрисида”, Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”, “Иқлимдлар тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Экологик экспорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари тайёрланиб, Қонунчилик палатасига киритиш мўлжалланмоқда.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, улар ҳаётлигини таъминлаш мақсадида қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жамоатчилик, олимлар ва экспертлар жалб қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, ушбу қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ўтказилган 40 дан ортиқ ишчи гуруҳлари тадбирларида 230 дан ортиқ тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Биргина янги таҳрирдаги “Урмон тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича 2017 йил июль-август ойларида жамоатчилик вакиллари жалб этилган ҳолда ўтказилган муҳокамаларда 110 дан ортиқ тақлифлар, фикр ва мулоҳазалар олинди.

Парламент ҳамда депутатлар фаолияти билан ёшларни кенг таништириш, уларнинг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи билан доимий мулоқотини ўрнатish мақсадида Экоҳаракатнинг “Ёшлар қаноти” ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари билан очик мулоқотлар ўтказиш, уларни гуруҳ йиғилишларига жалб этиш ишлари тизимли равишда амалга ошириб келинаётир.

Парламент ва депутатлик назоратини самарали йўлга қўйиш ҳам доимий эътиборимизда. Шу пайтга қадар 11 давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари функцияларини вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ фаолияти устидан ана шундай назорат йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).



Эътироф

“Ўзбекистон капитал ҳажми ва айланмаси бўйича МДХда молия маркази даражасига чиқиши мумкин”

Яқинда МДХ Давлатлараро банки президенти Игорь Суворов бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров билан музокаралар олиб борди. Мулоқот асосида хорижлик мутахассислар юртимизда сўнгги пайтларда амалга оширилаётган янгиланишлар ва ислохотларни юқори баҳолади.

“Биз Ўзбекистонга ташриф буюрганимиздан жуда хурсандмиз ва Ўзгаро мулоқотни фаоллаштиришдан манфаатдормиз.

МДХ доирасида халқаро молия марказини яратиш гояси бугун жуда долзарб ва ўз вақтида илгари суриляпти. Биз Ўзбекистон капитал ҳажми ва айланмаси бўйича МДХда молия маркази даражасига чиқиши мумкинлигини кўряпмиз”, деди И. Суворов.

Айтиш жоизки, мазкур молия муассасасига 1993 йилда МДХга аъзо ўнча давлат томонидан асос солинган. Унинг мақсади миллий валюталарда трансчегаравий тўловларни амалга ошириш, МДХ мамлакатларида миллий валюталарда ташиқ савдо операцияларини қадимлаш, давлатлараро кредитга эга бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашиш учун ҳисоб-китоб механизмининг яратиш воситаси-

да иқтисодий интеграция ва миллий иқтисодиётлар раванқига қўмаклашидир.

“Тошкент — барчани ўзига оҳанрабодай тортувчи марказ, бу нафақат бизнинг, балки муассислар, миқозла-риммиз фикридир. Бугун Ўзбекистон — энг муҳим давлатлардан бири, кашфиётлар, янгиланувчи мамлакат. Биз бу ерда рўй бераётган ислохотларни кузатиб бора-пмиз. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қарор имзоланди. Техноло-гик янгиланишлар даврида, бу — улкан қадам ва биз бундай ўзгаришларни қўллаб-қувватлаймиз. Ишон-чимиз қомилки, барча қўшнилар бунга хайрихоҳ бўлади”, деди МДХ Молия-банк кенгаши бош директори Павел Нефидов.

**С. МАХСУМОВ
тайёрлади.**



Тошкент шаҳрида “Metal Processing” масъулияти чекланган жамия-ти иш бошлади.

Инвесторларнинг эътироф этиши-ча, мазкур йирик лойиҳа нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё металлни қайта ишлаш саноати ривожига муҳим қадам бўлди. Зеро, минтақада ягона бўлган ушбу юқори технологияли завод тўқимачилик ма-шинасозлиги учун халқаро стандарт-ларга тўла жавоб берадиган ускуна

ва деталлар ишлаб чиқаришга ихти-сослаштирилган.

Янги корхона “Ўзтўқимачиликсаноат” уюмчаси, Иқтисодий вазирлиги то-монидан Швейцариянинг жаҳонга машхур “Rieter AG” компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бунинг учун қарийб 4 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестиция жалб этилди.

Металлни қайта ишлаш саноатидаги йирик лойиҳа

**импортни
камайтириш,
экспорт ҳажмини
оширишда
муҳим
роль
ўйнайди**



Ҳамкорлик

(Давоми 2-бетда).



Долзарб мавзу

Ноз-неъматлар увологи қоляппмиз

Бунга ким айбдор?

Юртимизда айни пишиқчилик. Саратон тафтидан мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари бирин-кетин пишиб етилимоқда. Натижада бозорларда нарх-наво барқарорлашяпти. Рўзгор учун муҳим маҳсулотлар — пиёз, саримсоқийёз, баклажон, помидор, бодринг каби сабзавотлар, картошка, олхўри, олма, ўрикларни мақбул нархларда оласиз. Бу ҳосил чўғининг баландлигидан, албатта.

Истеъмолчи учун нарх қанча арзон бўлса, шунча яхши. Аммо богбону дехқонга-чи? Улар хизматига яраша даромад оляптими?

Сиртдан қараганда, ҳаммаси жойида. Чўнки расмий маълумотларда келтирилишича, маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам, унинг экспорти ҳам аввалги йиллардагига қараганда анча олган. Ўсиш борми, демак, фойда ҳам бор. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

“Ўзгагроэкспорт” акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, жорий йилнинг биринчи ярмида 593 минг 310 тонна сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниб, ўсиш суръати 173 фоизни ташкил этди. Қиёслайдиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврида хорижа 342 минг 407 тонна маҳсулот сотилган.

(Давоми 3-бетда).



Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик янада қучайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан 2016-2017 йиллар, шунингдек, 2018 йилнинг биринчи чораги давомида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашш, тўсқинлик қилиш билан боғлиқ 2 358 та маъмурий ҳамда 22 та жиноий иш қўрилган.

Бундан ташқари, Бош прокуратура эълон қилган статистик рақамлар 2018 йил июнь ойига қадар тадбиркорлик субъектларига

нисбатан 8 872 та ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичларни камайтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида яна бир ташаббусга қўл урилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тадбиркорлик фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликни қучайтиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи қўишда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ноз-неъматлар уволига қоляпмиз

Бунга ким айбдор?

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Гарчи, қўлга киритилган натижалар ижобий бўлса-да, жойларда реал ҳолат билан яқиндан танишганимизда, вази- рат сизу биз ўйлаганчилик эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Мавжуд имкони- ятдан тўлиқ фойдалана олинмаётгани, маҳсулотни сақлаш, экспорт қилиш бўйича яратилган тизим тўлиқ ишла- маётгани оқибатида, афсуски, машақ- қатли меҳнат эвазига етиштирилган ноз-неъматлар увол бўлмоқда.

Фермер ёрдамга муҳтож

“Қибрай олтин меваси” фермер ҳўжа- лиги раҳбари Зарина Жуманазарова 4 гектарлик боғидаги олхўри ҳосилини нима қилишини билмай, боши қотган. Мана, икки йилдирки, фермер мева- ларни сарфланган харажатни қоплай- диган даражадаги нархда сота олма- япти. — Харидорларнинг йўқлигидан ўтган йили ҳосилнинг катта қисми ер билан яксон бўлди, — дейди у. — Бу ҳол жор- ий мавсумда ҳам тақоррланиб, пишиб етилган мевалар “оқиб кетмоқда”. Қил- ган меҳнатидагина ачинасан, киши. Тўлиқ ҳосилга кирган даракларни кесиб таш- лашга эса кўзинг қиймайди. Уволи бор- да! Фермерларни қўллаб-қувватлаш учун экспорт билан шугулланадиган, айни вақтда маҳсулотни қайта ишлай- диган корхоналар масъулиятини оши- риш, улар сонини кўпайтириш лозим. Афсуски, бугун ҳар икки тармоқ ҳам кўнгилдагидек ишламаяпти. Қанийди улар эрта баҳорданоқ биз билан шарт- нома тузишса-ю, бор ҳосилимизни со- тиб олишса. Шунда фермер ўз умуши билан машғул бўлар эди.

Тўғри, фермерларга кўмак бериш, ҳамкорлар топиш борасида муайян иш- лар амалга оширилмоқда. Хусусан, пой- тахт вилоятининг Қибрай туманида шу йилнинг ўтган олти ойи давомида 7 миллион 190 минг АҚШ доллари микдорида мева-сабзавот маҳсулотла- ри экспорт қилинди. Прогноз кўрсат- қичлари 120 фоиз уудаланган. Маҳсу- лотнинг асосий қисми июнь ойида чет элликларга етказиб берилди. Яъни бир ой давомида хориж бозорларига чиқ- арилган мева-сабзавотларнинг умумий ҳажми 5 миллион 193 минг долларга тенг бўлди. Бироқ ушбу рақамни бун- дан бир неча баробар ошириш учун им- кониятлар етарли. Нега ундан фойда- ланилмаяпти?

Туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Нёъматилла Соатов мазкур рақамлар- ни қуйидагича шарҳлайди:

— Аввало, бу табиий омиллар билан боғлиқ. Юртимизда июнь — айни пишиқчилик ойи. Қолаверса, биз “Ўзагроэкспорт”дан ёрдам кутдик. На- тижча бўлмагач, фермерларимиз ўз куч ва имкониятларини ишга солишди.

Тўғри, бу жараён анча оғир кечди. Фермерларнинг ҳар томонлама мукам- мал ва етук раҳбар бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. У, албатта, бозор илми, маркетингини яхши ўзлаштири- ш лозим. Таассуфки, ҳозирча ҳамма ҳам бундай салоҳиятга эга эмас.

Тумандаги “Байтқўрғон. Арипов Ҳайитбой” кўп тармоқли фермер ҳўжа- лиги жамоаси 21,5 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Улар йиғиштириб олинган мева-сабзавотларнинг бир қис- мини ички бозорга йўналтириб, қолга- нини қайта ишламоқда. Бунда фермер ташаббуси билан замонавий корхона, 2000 тонна маҳсулот сақлашга мўлжал- ланган музлаткич қуриб битказилгани айни мuddао бўлди.

Корхона бир кунда 10 тонна маҳсу- лотни қайта ишлаш қувватига эга. Аммо харидор йўқлиги унинг кам қувват би- лан ишлашига сабаб бўлаётди. Фер- мер ҳўжалиги омбурида 600 минг дол- ларлик 10 дан ортиқ турдаги, замона- вий дизайндаги бежирим идишларга қаддоқланган маҳсулотлар сақланмоқда. Улар, асосан, чет эллик харидорларга мўлжалланган, лекин ҳали экспорт қилингани йўқ.

Фермер ҳўжалиги раҳбарияти “Ўз бозоримизни топиб олгунимизга қадар мутасаддилар бизга ёрдам беришлари лозим”, деган катъий фикрда. Эҳтимол, бу ҳам тўғридир. Йил бошида “Ўзагро- экспорт” АЖга қилинган муурожаат из- сиз кетмади. Экспортчилар харидор- ларни бошлаб келишди. Қўл олишди- лар. Ажабланирлики, шу бўйи харидор ҳам, экспортчи мутахассислар ҳам дом- дараксиз кетишди.

Фермер ёрдамга муҳтож. У маҳсу- лот етиштириш ҳадисини олган. Бозор сир-асрорларини, айниқса, экспортни ўрганиш учун эса бир оз фурсат керак. Ана шу паллада экспорт билан шугул- ланувчи мутасадди ташкилотлар бу бўшлиқнинг ўрнини тўлдириб турсалар, айни мuddао бўлар эди.

Минг тоннадан ортиқ ҳосил далада қолмоқда...

Ўйлаб қоласан, киши. Пойтахтимиз- нинг шундоқ биқинида, яъни маҳсулот- ни экспортга чиқариш, қайта ишлаш ёки бозорларга етказиб бериш учун логис-

тика имкониятлари катта бўлган жойда ноз-неъматлар увол бўлаётган экан, марказдан олис ҳудудларда аҳвол қан- дай? Ушбу саволга жавобни Қашқадарё вилояти мисолида излаймиз.

Тан олиш керак, ҳудудда иқтисоди- ёт тармоқлари, айниқса, қишлоқ ҳўжа- лигини диверсификация қилиш, ташқи бозорга рақобатдош маҳсулотлар чиқариш, экспорт қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, туманларда фермерлар ва аҳоли томорқаларида сердаромад мева-сабзавот экинлари екиш, уларни уруғлик, маблағ, ўғит, ёнгилги билан таъ- минлаш ишларини ташкил этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Бироқ айрим мутасадди- ларнинг эътиборсизлиги туфайли қўллаб фермерлар маҳсулотига хари- дор топа олмай харажатиغا қуйиб қол- моқда. Ҳолбуки, давлатимиз раҳбари

томонидан ҳар бир ту- манда мева-сабзавотини экспорт қилишга икти- сослаштирилган тузил- малар ташкил этиш, фермерларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига кўмаклашиш муҳим ва- зифа этиб белгиланган.

— Маҳсулотларимиз- ни экспорт қилиш бўйи- ча сунъий тўсиқлар йўқ, — дейди Нишон тум- анидаги “Сохибқирон ширин мевалари” фер- мер ҳўжалиги раҳбари Дилмурод Жаҳонгиров. — Лекин ички ва ташқи бозорлардаги нархлар экспортга катта таъсир қиялпти. Ўзимиздан қиёс: ҳўжалигимизда- ги 51 гектар суғорила- диган ернинг 42 гекта- рига пиёз эккан эдик. Экспортга кўмаклашиш мақсадида республика- дан келган мутасадди- лар вилоят ва туман ҳокимлиги, “Ўзагроэк- спорт” вакиллари билан биргаликда майдонни кўздан кечириб, маҳсу- лотнинг катта-кичикли- гига қараб, саралаб беринг, сотамиз, дейишди. Лекин ҳеч ким сўрамади.

Биз “Ўзагроэкспорт”га шу ҳақда бир неча марта хат билан чиқдик, жавоб бўлмади. Натижасини ўзимиз айтмиш, дейишди, ҳамон жимжитлик. Ваҳолон- ки, “Ўзагроэкспорт” томонидан пиёз- нинг бир тоннасига 60 долларгача нарх белгиланб берилган. Маҳсулотимизни шу нархда сотиб олишлари керак эди, аммо ҳосил тарозига тушгач, ҳар хил важларни айтиб, ўзлари белгиллаган нархда ҳам олишмади. Аввал “калиб- ровка”ни, яъни катта-кичиклигини му- амом қилишди. Малии, деб бу борада- ги талабига ҳам кўндик. “Ўзагроэкспорт” вакилининг дабдурустдан “Буюртмачи келмади, жаҳон бозоридан нарх тушиб кетди, биз ололмаймиз, ўзларинг ҳара- кат қилинглр”, дегани ҳаммасидан ошиб тушди.

Шундан сўнг россиялик ишбилар- монлар билан шартнома тузиб, маҳсу- лотни сотишга уриниб кўрдик. Пиёз- нинг бу юртда ҳам, Европада ҳам нар- хи тушиб кетганлиги туфайли амалий натижага эриша олмадик.

Ҳозир минг тоннадан ошиқ пиёз ҳосили далада ётибди. Қўриб туриб- сиз, кейинги кунларда ҳаво ҳарорати кўтарилиб кеталпти, бу ҳосилни нобуд қилади. Шу ҳақда ўйласам, юрагим ор- қага тортиб кетади. Ахир оз эмас, қарийб 400 миллион сўм харажат қил- ганмиз...

“Ҳозир пиёз оляпмиз, ҳали “чеснок” олмаймиз”

Косон туманидаги “Бойтерак” фер- мер ҳўжалиги тасарруфидagi ер май- дони унчалик катта эмас — 28 гектар. Бу жойда, асосан, ғалла ва пахта ети- штирилади.

Ҳўжалик раҳбари Бахтиёр Примов мутасаддиларнинг кўрсатмаси билан “тўқсонбости” усулида 2 гектар ерга са- римсқопиёз, 6 гектарга аччиқ қалам- пир экади.

— Ҳосилни сотиш ҳақида ўйламай, экавер, дейишди, — дея эслайди фер- мер. — Каттаконларнинг ғалини қоз- га тикиб бўлмайди-ку? Оғзаки буйруқ берилди. Шартнома ҳам, бўнак пули ҳам йўқ. Бу ишлар харажатсиз бўлмай- ди, албатта. Маблағ сарфладик, ишчи ёлладик. Ҳосил етилди. Ҳозир 20 тон- на саримсқопиёз харидорини қутиб ётибди. Аччиқ қалампир ҳам шу ой охи- рида тайёр бўлади. Яна бир гектар ерда экспортбоп маҳсулот — булғор қалам- пири етиштирганмиз. Уларни ички бо- зорга чиқариш ўзини оқламайди, хара- жатни қопламайди.

Фермернинг ёзғиришича, ҳосилни сотиш учун бормаган жойи, қирмаган эшиги қолмаган. Ахир саримсқопиёз ва аччиқ қалампир етиштириш учун 90 миллион сўм харажат қилган.

— Тайёрлов корхоналарининг оти бору, ўзи йўқ, — дейди Бахтиёр Примов. — “Ўзагроэкспорт” АЖдан ҳам наф бўлмайди. Ушбу ташкилот вакил- лари келиб, экинимизни кўриб кетишган эди. Лекин маҳсулотни сотишга кел- ганда “ҳозир пиёз оляпмиз, ҳали “чес- нок” олмаймиз”, дейишдан нарига ўтишмади.

Вилоят ҳокимлиги томонидан Фер- мер ҳўжаликларининг экспорт салоҳи- ятини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва кўшимча экспорт за- хираларини аниқлаш бўйича чора-тад- бирлар дастури тасдиқланган. Унда қанча аччиқ қалампир етиштирилиши, қаерга экспорт қилиниши аниқ кўрса- тиб ўтилган. Аммо унинг ижросига му- тасаддилар, тегишли сектор раҳбарла- ри панжа орасидан қарашаётгани деҳқоннинг чув тушиб қолишига сабаб бўлаётди.

Саволларга жавоб йўқ

Зироатчилик машаққатини англаш учун бир қўлоч ерга уруғ қадаб, маҳсу- лот етиштиришнинг ўзи кифоя. Бироқ машаққатли меҳнат эвазига ризқ-рўз

бериб юбордим. Бундан ташқари, ака- укаларим билан биргаликда 57 тонна пиёз етиштиргандик. Харидор йўқлиги туфайли маҳсулотнинг килосини 300 сўмдан сотишга мажбур бўлдик. Давлатимиз раҳбарининг ички бозор- дан ортган маҳсулотни чет давлатлар- га сотиш бўйича берган кўрсатмалари- нинг ижроси нега таъминланмаяпти? Нима учун мутасаддилар биз, деҳқон- ларнинг касодга учрашимизга томоша- бин бўлишмоқда? Наҳотки, ҳозиргача экин майдонларида қолаётган пиёз ва бошқа маҳсулотларни яқин ёки узоқ хо- рижий давлатларга экспорт қилишнинг имкони бўлмаса?

Саволлар кўп, жавоб эса топилгани- ча йўқ. Биргина Сариосиё туманида фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва то- морқа ер эгалари томонидан етишти- рилган 13 минг 714 тонна картошка, 19 минг тонна пиёз сотилмасдан қола-

экспорт” масъулияти чекланган жамия- ти раҳбари Аваз Маликов. — Бироқ маҳ- сулотларни хорижга олиб чиқишда му- аммолар пайдо бўлмоқда. Биз яқинда пиёз экспорт қилдик. Уларни йиғиб, ма- шинага ортишга икки кун вақт кетди. Вагонга буюртма бериш, уни расмий- лаштиришга яна икки кун керак бўлди. Ортилган маҳсулотни Қозоғистонга ет- казгунимизча эса уч кун вақт йўқотдик. Манзилга боргач, не кўз билан кўрай- ликки, эртаги пиёзимиз “сув”га айла- ниб қолибди. Ҳам маҳсулотимизга, ҳам харажатамизга қуйдик. Бундай ҳолатда яна экспорт қилишга юрагимиз дов бер- маяпти.

Тадбиркорнинг куйинганича бор экан. Бошқа экспортчилар билан суҳ- батлашганимизда, улар ҳам вагон то- пиш муаммо эканлигини айтишди. Уларнинг сўзларига кўра, Жиззахдан ортилган маҳсулот Ховос темир йўл станциясида бир-икки кун, ҳаттоки уч кунлаб қолиб ке- таркан. Бу эса тез бузулув- чи ва айнувчи қишлоқ ҳўжа- лиги маҳсулотларини экс- порт қилишга сезиларли таъсир кўрсатаётгани таби- ий, албатта. Шунинг учун айрим тадбиркорлар вақт- ни йўқотмаслик учун Сир- дарё темир йўлларидадан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Унинг идора- си ва раҳбарияти эса Тош- кент шаҳридаки, вагонга буюртма бериши, маҳсу- лотларни сертификатлаш- тириш, ҳужжатлаштириш ишлари учун Сирдарё би- лан Тошкент ўртасидаги 120 километрик масофа- да “бўзчининг моқиси”дек қатнашига тўғри келади...

Йил — ўн икки ой дала- да меҳнат қилган деҳқон эса етиштирган маҳсулотни киммат нархда сотгиси келади. Мева-чева ғарқ ҳеч- киби етилганда ҳосилни ҳеч ким сўрамаса, унга муно- сиб нарх қўёлмасанг, сарфлаган пулингни чиқа- ромасанг, яна меҳнат қил- гинг келадими?!

Ечим бор, аммо...

Статистика маълумотларига қараган- да, 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 3 миллион 14,6 минг тонна картошка, 11 миллион 433,6 минг тонна сабза- вот, 2 миллион 94,8 минг тонна полиз, 3 миллион 76,3 минг тонна мева ва резаворлар, 1 миллион 748,9 минг тон- на узум етиштирилган. Бу йил боғдор- чилик учун қулай келганини ҳисобга ол- сак, ушбу рақамлар ортиши, табиий. Аммо қарични сал кенгроқ олиб таҳлил қиладиган бўлсак, ички эҳтиёждан ортиқ экспортбоп маҳсулотларни сотиш у қадар мураккаб эмас. Ахир булар дунё

бўйича етиштирилаётган 800 миллион тонна меванинг арзимаган улуши, хо- лос. Асосий маҳсулот етиштирувчи ҳисобланган Хитой (дунё ялпи маҳсу- лотининг 20 фоизи), Хиндистон (13 фоиз), Бразилия (6 фоиз), АҚШ (4 фоиз), Индонезия (3 фоиз) каби давлатларда ҳосилдорликни янада ошириш эвазига экспортни кўпайтиришга зўр берилаёт- ган бир пайтда юртимизда мавжуд ноз- неъматни сифатли сақлаш тугул, йи- гиштириб олинмаётганини қандай ба- ҳолаш мумкин? Деҳқоннинг ишдан қўли совушида кимни айблаш мумкин?

Ўзингиз ўйлаб кўринг, дунё бўйича ҳар гектар боғдан ўртача 11,3 тонна мева олинса, бу кўрсаткич АҚШда 23 тонна, Индонезияда 22 тонна, Бра- зилияда 16,5 тоннани ташкил этмоқда. Ушбу рақамлар замирида, шубҳасиз, моддий манфаатдорлиқнинг юқорили- ги мужассамдир. Натижада олма, нок, беҳи қазми уруғли мевалар экспортда Хитой, узум етказиб беришда Чили ва АҚШ, ўрик, шафтоли, олхўри каби да- накли мевалар савдосида Испания етакчилик қилмоқда. Ҳақли савол туғи- лади: Ўзбекистон қачон улар сафидан жой олади?

Мева-сабзавотларни сархил ҳолида экспорт қилиш имкони бўлмаётган экан, унга кўшимча қиймат қўйишнинг йўлла- ри кўп-ку? Масалан, кейинги пайтда жаҳонда музлатилган мева-сабзавот- ларга талаб ортиб борапти. АҚШ ва Швецияда бундай маҳсулотлар истеъмо- ли аҳоли жон бошига 50 килограммни ташкил этаётгани бунинг яққол дали- лидир. Натижада “шок” усулида музла- тилган мева-сабзавотлар етказиб бе- риш ҳажми йилига 3,7 фоиз ўсмоқда. Ёки бўлмаса, сабзавотлар шартбига талаб кучаймоқда. Масалан, Герма- нияда қарамдан олинган шарбат севиб истеъмол қилинади.

Давлатимиз томонидан экспортни рағбатлантириш, бунинг учун зарур қулайлик ва имтиёзлар яратиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилатётган ҳозирги шароитда ҳам мутасаддилар бу масалага юзаки муносабатда бўлар экан, орзулар рўёбга чиқмасдан қолиб кетаверади. Янги савдо йўлакларини ўзлаштириш тугул, мавжуд бозорни ҳам бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Чўнки бозор иқтисодиётида рақобатга дош берганларгина ўз жойини мўқим сақлаб қолади.

Демак, бугун мева-сабзавот маҳсу- лотлари нарҳининг тушиб кетгани деҳқоннинг зиён кўришига асос бўла олмайди. “Ўзбекизоқовқатхолдинг” хол- динг компанияси, “Ўзагроэкспорт” ак- циядорлик жамияти мутасаддилари юр- тимиз деҳқон ва фермерларини ўйлан- тираётган ушбу масалага ўз муноса- батларини билдиради, деган умидда- миз. Зеро, “Халқ сўзи” назоратидаги мазкур мавзуга яна қайтамиз.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Илҳом РАҲМАТОВ,
Толибжон ЭРТАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг статистик маълумотлари асосида тайёрланган мазкур инфографикадан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда мева-сабзавот экспортга бемисл даражада ошиб бормоқда. Бунга, чиндан-да, ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо мақолада кўтарилган масалалар ҳал этилиб, экспортчи тузилмалар деҳқон, фермер ҳамда боғбонларга машаққатли меҳнат эвазига

етиштирилган ноз-неъматларни сотишда яқиндан кўмак беришганида, амалий ёрдамларини аяшмаганда эди, натижалар бундан уч-тўрт карра юқори бўлган, ўсиш кўрсаткичи қарийб 300 фоизга эмас, балки 500 фоизга ҳам етиши турган гап эди. Таъкидлаш керакки, ҳали ҳам кеч эмас. Юртимизда пишиқчилик мавсуми кузаккача давом этишини инобатга олсак, вазиятни

ўнглаш, барча учун манфатли тезкор ечимга келиш, амалий чора-тадбирлар кўриш учун етарлича фурсат бор.

Ўйлаймизки, мутасаддилар бу борада чўқурроқ мушоҳада юритиб, ушбу масала юзасидан ўзларининг муносабатларини билдирадилар, пировардида мева-сабзавот экспортида бундан-да юксак кўрсаткичлар қайд этилаверади.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки йирик-йирик соҳа ва корхоналарга молиявий хизмат кўрсатади”. “Фаолияти хорижий валюта билан боғлиқ”...

Яқин-яқингача бундай фикрларни кўпчиликдан эшитиш мумкин эди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иш бошлаган вақтданок аҳоли билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратиб келаётганига қарамай, одамлар онгига у негадир фақат мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожига учун муҳим бўлган йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда валюта операциялари билан шуғулланувчи банк сифатида муҳрланиб қолганди. Бироқ, бугун ушбу молия муассасаси янгича, замонавий форматда фаолият юритяптики, бу амалда ўз самарасини бермоқда.



Кўлами кенг, натижаси салмоқли

Чиндан ҳам, агар “Ўзмиллий-банк” тарихига назар ташласак, мустақиллик йилларида у мамлакат иқтисодиётининг деярли ҳар бир тармоғида йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашганига гувоҳ бўлаемиз.

ловчи энг муҳим инвестициявий лойиҳаларни ҳам молиялаштиришга мўлжалланган. Бунда йирик халқаро молиявий ташкилотлар кредит линияларининг катта қисми ҳукумат кафолатисиз, тижорат асосида жалб этилаётгани, айниқса, эътиборга молик.

“Ўзмиллийбанк” инвестициявий банк сифатида мамлакатимиздаги энг йирик инфратузилмага эга молиявий институтдир. Банкнинг инвестициявий портфели тўқимачи-

сони ортиб, ишонч мустаҳкамланаётгани, омонатлар шартлари оптималлаштирилиб, янги депозитлар жорий этилаётгани ана шу сабаб ҳаракатлар самарасидир.

Кўрсатиладиган хизматлар ривожига пластик карточкалар алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, уларни жорий этишда Миллий банкни чинакам новатор, дейиш мумкин. Чунки бу ерда энг замонавий технологиялардан унумли фойдаланилади. Банк пластик кар-

унинг ижроси изчил таъминланмоқда. Хусусан, мижоз бинога кириши биланок уларни ходимлар ҳушмуомалалик билан кутиб олиб, банк хизматлари ва тарифлар ҳақида дастлабки маълумотларни тақдим этишдаги ёки муайян бир банк операцияси учун кимга учрашиш кераклигини айтишади. Бунда мижозлар амалиёт хоналарига ҳеч бир тўсиқсиз ва руҳсатномасиз, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ўтишлари мумкинлиги, айниқса, таҳсинга лойиқ.

2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб «Milliy» мобиль иловаси орқали жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамини масофадан туриб бошқариш, хорижий валютани олиш ва сотиш (онлайн-конверсия), халқаро тўлов картадаги маблағни хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатга ўтказиш, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш тизимлари жорий этилди. Май ойидан бошлаб эса банк хиз-

Эътироф:

Яна СЛАВУЦКАЯ, банк мижози:

— Банкда жорий этилган янги тизим аъло даражада ишлайди. Мижозлар учун жуда кўп қулайликлар яратилган. Уларга ҳамisha эътибор берилади. Энг асосийси — вақт тежалди!

Наталья ЗАГЕРБИНА, банк мижози, “VISA” халқаро пластик карточкаси эгаси:

— Янгиланган филиал менга жуда ёқди. Хизмат кўрсатиш, яратилган шароитлар — ҳаммаса аjoyиб! Турмуш ўртоғим бошқа банкни тавсия қилган эди, лекин мен “Ўзмиллийбанк”ни танладим ва шу ерга келдим.

Акмал АСАДОВ, “KORZINKA.UZ” супермаркетлар тармоғи бош директори:

— “Ўзмиллийбанк” бизга бизнесимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сифатли банк хизматларини кўрсатади. Биз уни ишончлиги, барқарорлиги, инновацияга интилиши ва мижозларга эътибори тўғрисида танладик.

Нуриддин БЕРДИЕВ, “Profil Export” кўшма корхонасининг молиявий-иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари:

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки — замон билан ҳамнафас ва ўз мижозларига энг яхши инновацион ечимларни тақлиф этишга ҳаракат қилувчи молия муассасаси. Айнан шунинг учун биз уни танладик.

«Ўзмиллийбанк»:

ИШОНЧЛИ, ОММАБОП ВА ТАШАББУСКОР

Булар нефть ва газ, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё ва тўқимачилик саноати, туризм, ҳаво ҳамда темир йўл транспортини модернизациялаш, АКТ соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби кўплаб йўналишдаги лойиҳалардир.

Миллий банкнинг хизматлар бозоридagi етакчи ўрни, унинг барқарор ривожланиши ва депозит базасининг ўсиб бориши, хорижий кредит линияларини кенг жалб қилиши нафақат Ўзбекистондаги кўп сонли мижозлар, балки халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий банкларнинг ҳам ишончини мустаҳкамлашга олиб келди.

Бундай кенг кўламли ҳамкорлик тўғрисида Миллий банк экспорт-импорт кредитлашнинг самарали механизми билан фойдаланган ҳолда, республикамиз жами ташқи савдо айланмасининг 70 фоизидан ортигига хизмат кўрсатиб келяпти. Банкнинг кредитлари иқтисодиётнинг устувор тармоқларида таркибий ўзгаришларни таъмин-

лик, озиқ-овқат саноати, қурилиш, агробизнес, транспорт ва туризм, молиявий сектор корхоналарининг акцияларини ўз ичига олади. Банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири — мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашдан иборат.

Тўғри, ҳар қайси банк учун лойиҳаларни молиялаштириш ва инвестициявий фаолият биринчи ўринда туради. Кўрсаткичлар ҳам, даромад ҳам, керак бўлса — обрў ва нуфуз ҳам айнан шу омилларга боғлиқ. Шундай бўлса-да, “Ўзмиллийбанк” аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Янги ёндашув асосидаги ечим

Қайд этганимиздек, Миллий банк жамоаси мижозларга янги хизмат турларини тақлиф этиб, хизмат

точкалари орқали тўловлар қабул қилувчи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кўпайиши уларнинг аҳоли ўртасида оммалашуви-га олиб келди. Айни вақтда банк миллий валютада ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган сўм микро-процессор пластик карточкалари билан бир қаторда, “VISA Electron”, “VISA Electron Travel”, “VISA Classic”, “VISA Classic Travel”, “VISA Gold” ва “VISA Platinum” халқаро карточкаларини ҳам муомалага чиқараётгани бунда кўл келаётир.

Шу билан бирга, “Ўзмиллий-банк” кенг қамровли инфратузилмага ҳам эга. Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида унинг филиал ва бўлинмалари фаолият юритиб, уларда замонавий хизматлар кўрсатилаётмоқда. Савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги банкомат ва терминаллар ҳам доимо хизматга шай.

“Банк — мижоз” дастурий мажмуаси автоматлаштирилган тартибда мулоқотда бўлишга имкон яратиб, пул маблағларини реал вақт режимида бошқариш тезкорлигини оширишга ёрдам беради.

Аммо шу билан бирга, бутун банк тизимида бўлгани каби, “Ўзмиллийбанк” фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалалар бор эди. Шундай муаммолар Президенти-мизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди аниқ белгилаб берилди. Яъни қарор билан банклар олдида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун қулайликлар яратиш, тезкорликни таъминлаш, банк тизимида бўлган ишончини ошириш ва бошқа йўналишларга тегишли вазифалар қўйилди. Шу боис “Ўзмиллийбанк”-да пухта режа ишлаб чиқилиб,



матларининг тарифлари қайта кўриб чиқилиб, кредитлар бўйича комиссия ва жарималари миқдори камайтирилди.

Банк мижозларига қулайлик яратиш мақсадига филиал ва бўлинмалардаги кредит қўмиталарининг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Энди бу қўмиталар таълим, истеъмол кредитлари ва микрокредитларни ажратиш билан боғлиқ масалаларни мустақил равишда, қисқа муддатларда кўриб чиқа оладилар.

Жойларда пластик карточкалар бўйича сифатли банк хизматларини тақдим этиш мақсадига банк-оматлар ўрнатиш кенгайиб, уларнинг тўхтовсиз ишлаши таъминланмоқда. Хусусан, жорий йилда вилоятларда 85 та банкомат ўрнатилган бўлса, 2019 йилда яна 100 таси ишга туширилади. Булар давлатимиз раҳбарининг юрида келтирилган қарорига мувофиқ амалга оширилган ёки яқин келажақда амалга ошириш мўлжалланган тадбирларнинг бир қисми, ҳолос.

Дароқе, бу йўналишда нафақат хорижий тажриба ўрганиляпти, балки бошқа давлатлардан банк соҳасининг мутахассиси ва экспертлари жалб этилмоқда. Жумладан, май ойи бошида Қозоғистоннинг “Сбербанк”и билан ҳамкорликда семинар ташкил этилиб, унда Миллий банк ходимлари учун “Чакана тадбиркорликда янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш”, “НР-ривожланиш”, “Дастурий таъминот ва бизнес-жараёнларни такомиллаштириш”, “Савдода молиялаштириш ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни ривожлантириш” мавзуларида мулоқотлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзмиллий-банк” фаолиятида янги йўналишларни, унинг янги логотиби ва ребрендингини ишлаб чиқишда халқаро экспертларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бундан ташқари, “Ўзмиллийбанк”нинг 2020 йилгача бўлган тараққиёт стратегияси”ни ишлаб чиқишда банк “Reformatics” халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорлик қилмоқда.

— Мазкур стратегия, — дейди компания вакили, — хизмат кўрсатиш сифатини халқаро андозлар

даражасига кўтариш, банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва технологик янгиланиш ҳамда рақамли технологияларни жорий этишга қаратилгандир. Шунингдек, “Ўзмиллийбанк” ташкилий тузилмасига ўзгариш киритилляпти, эндиликда у кўпроқ бизнесга йўналтирилмоқда. Яъни банк инвестициявий фаолият, корпоратив бизнес ва чакана бизнесга мададкор бўлиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб олди. Ҳозирги кунда тузилмаси ва иш тартиби ўзгартirilган учта филиалда ушбу янги лойиҳалар йўлга қўйилди.

Мазкур стандартлар кундалик фаолиятга қай даражада татбиқ этилаётгани, мутахассисларнинг мижозлар билан ўзаро муносабатига банкнинг биргина Янгиобод филиали фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин.

Мижоз меҳмондай қарши олинади

Замонавийликни филиал остонасидаёқ ҳис этасиз. Турникет орқали ўтиш, жиддий кўринишдаги милиция ходимининг сиздан паспорт кўрсатиш, кимга ва нима учун кирмоқчи эканлигингиз ҳақида айтишни талаб қилиши энди йўқ. Унинг ўрнига кутиб олган банк ходими ҳар бир саволингизга жавоб беришга тайёр, истагингизга қараб, айнан керакли мутахассисга йўналтиради.

Банкнинг Янгиобод филиалида яқин орада бўлмаганлар унинг қанчалик ўзгараганини кўриб, ҳайратланиши, шубҳасиз. Битта зал ўрнига энди бу ерда юридик шахслар ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун алоҳида-алоҳида заллар ташкил этилган. Бу ерда эътиборли ходимлардан тортиб, то замонавий жиҳозлар, бепул “Wi-Fi”, мўътадил ҳаво, ёнида бир марталик стаканлар териб қўйилган кулрагача — ҳамма нарса ёқимли мулоқот учун мўлжалланган. Ҳатто бирор мутахассис олдида баъзан навбат пайдо бўлса-да, “электрон навбат” тизими ёрдамида рақам

ёзилган талонингизни олиб, юмшоқ диванга жойлашасиз, вақтни телевизор кўриб ёки газета-журнал ўқиб ўтказасиз.

Албатта, одамлар банкка бирор ишини ҳал қилиш учун келади. Ўтирай десанг, жой ҳам бўлмаган тор хона, мутахассис ва мижоз ўртасидаги ойна “девор”, саволингга жавобни кимдан олишни билмай сарсон бўлиш — бундай ҳолатлар энди кузатилмаяпти. Янгиобод филиалида ҳар бир масала талаб даражасида ҳал этиляпти. Бинобарин, “Indorama Kokand Textile” кўшма корхонаси, “Chirchiq Savdo Baraka”, “Halol Baraka Nur” ва “Tanho Holding” масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, минглаб жисмоний шахслар айнан ушбу филиални танлагани бежиз эмас.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш — Миллий банк филиалларининг корпоратив бошқарувчилари олдида қўйилган асосий вазифалардан бири. Банкда худди шу янги лавозимнинг жорий этилишидан мақсад ҳам хизмат сифатини яхшилаш билан бирга, ходимларни бунга ўргатишдир.

— Ҳозир сиз кўриб турган нарсалар фақат ташқи ўзгаришлар, — дейди Янгиобод филиалининг корпоратив бошқарувчиси Шерзод Тўхтаев. — Бинони таъмирлаш, турникетларни олиб ташлаш, мижозларни кутиб олуви “ресепшн” ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларга алоҳида хизмат кўрсатиш учун амалиёт залларини ажратиш, туну кун ишлайдиган инфокиосклар ўрнатиш, компьютер жиҳозлари ва мебелни янгилаш сингари ишларнинг барчаси муҳим, албатта. Лекин энг асосийси, ходимларни янгича ишлашга тайёрлашдир. Ахир, улар келаётган мижознинг кайфиятини сезиб, шунга мос ёндашиши керак-да. Баъзан мижоз асабий ҳолатда бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ҳушмуомалалик билан уни кутиб олиш, масаласини ҳал этишга тайёрликни намоён қилиш, ҳатто керакли мутахассис ёнигача кузатиб қўйиш, юз бериши мумкин бўлган тушуновчиликка йўл қўймаслик — буларнинг барчасига маҳорат зарур.

Хорижий экспертлар ёрдамида мижозлар билан ишлашнинг кўпгина нозик томонларини ўргандик. Хизмат кўрсатиш стандартлари бўйича махсус тўплам ҳам тузилди. Тўпламда у ёки бу вазиятда ходим ўзини қандай тутishi лозимлиги ҳақида тавсиялар берилган. Уларнинг муҳимлик даражаси касбий билимларниқидан кам эмас. Ходимларимиз бундай ўқитишга катта қизиқиш билдиришди, ахир, муомала маданияти ҳамма ерда, ҳамisha зарур-да.

Айни вақтда “Ўзмиллийбанк”нинг Янгиобод филиали ўзига хос “тажриба майдончаси” сифатида танлаб олинган. Тез орада нафақат пойтахтимиздаги, балки бутун республика ҳудудидаги филиал ва бўлинмалар худди шундай тартибда ишлайди. Бу мижозларни, албатта, қувонтиради.

Саҳифа материаллари “Ўзмиллийбанк” матбуот хизмати кўмағида Собир АЛИЕВ томонидан тайёрланди.

«Milliy» билан қулай ва осон!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мижозлари орасида “Milliy” мобиль иловаси тобора оммалашмоқда. Чунки у мобиль телефон орқали маблағларни бошқариш воситаси бўлибгина қолмай, рақамли банкинг соҳасидаги эволюцион ривожланиш босқичи ҳамдир.

Жисмоний шахслар “Milliy” мобиль иловаси ёрдамида кўплаб хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Картадан картага пул ўтказиш (комиссия 0,5 фоиз), экспресс-ўтказмалар, кредитларни ёпиш (комиссия 0,5 фоиз), “VISA NBU” халқаро карточкалари бўйича тўловларни назорат қилиш ва қолдиқни билиш, ўз депозит ҳисоб рақамлари бўйича ахборотга эга бўлиш, “UzCard” ҳамда “VISA” пластик карточкаларини блоклай ва блокдан чиқариш, мобиль алоқа, интернет-провайдерлари, коммунал хизматлар, интернет-ресурслар ва телевидение учун, шунингдек, бюджетга тўловларни амалга ошириш, онлайн-омонатлар шулар сирасидан.

Банкда, шунингдек, “OC Android 1.21.” учун янги релиз ишга туширилди.

Бу мобиль илованинг янгиланган версиясида ҳам бир қатор ўзгаришлар мавжуд. Масалан, онлайн-конверсия — “VISA NBU” пластик карточкадан хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш, жўнатувчининг асосий карточкасида

олувчининг асосий пластик карточкасидаги NFC технологияси орқали контактсиз ўтказиш мумкин.

Бундан ташқари, “Ўзмиллийбанк” жисмоний шахс бўлган мижозларга инновацион тизимни ҳам тақлиф қилади. Мазкур тизим “Milliy” мобиль иловаси ёрдамида ўз ҳисоб рақамларини масофадан туриб бошқариш ҳамда онлайн режимида талаб қилиб олинганча, шунингдек, муддатли ва жамғариб боришда ҳисобва-рақаларни очиш, депозит ҳисоб рақамларида, Миллий банкнинг “UzCard” ва “VISA” пластик карточкаларида сақланаётган ўз маблағларини бошқариш, “UzCard” ва “VISA Electron/Classic Travel NBU” карточкаларидан фойдаланиб, 24/7 (кечаю кундуз) режимда миллий валютани АҚШ долларига конверсия қилиш амалиётларини бажариш имконини беради.

Агар сиз ҳали “Ўзмиллийбанк” мижози бўлмасангиз-да, юқоридаги банк хизматларидан фойдаланишни хоҳласангиз, банкнинг исталган бўлими ёки шохобчасига мурожаат қилиб, мобиль иловани юклаб олинг ва тизимга ўз мобиль телефонингиз рақамини киритинг. Сўнг SMS-хабар шаклида келган код рақамини киритиб, “Milliy” мобиль иловасида рўйхатдан ўтинг. Тамом. Энди Сиз “Ўзмиллийбанк”нинг масофавий хизматларидан фойдалана olasiz.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқувлар (0-371) 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Таҳриратга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.
Газетанинг тўқизиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаххих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Тошпирилди — 00.55 1 2 3 4 5 6